


“КЕЛИШИЛДИ”



Жиззах давлат педагогика
университети Касаба уюшмаси
кўмитаси раиси Д.Очилов
“ ” 2022 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Жиззах давлат педогогика
университети ректори
проф Ш.Шарипов
2022 йил

I. Умумий ҳавфсизлик қоида ва талаблари.

- 1.1. Лаборант вазифасига 18 ёшдан кам бўлмаган, тиббий кўрикдан ва ҳавфсизлик техникаси йўриқнома синовидан ўтган ходимга рухсат берилади.
- 1.2. Ҳавфсизликнинг техник усули қоидаси талабини бузган, бахтсиз ҳодиса ёки авария ҳолатига олиб келган ходимлар интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортилади.
- 1.3. Лаборант ўз ишини фақатгина махсус кийим бош кийган ҳолда амалга ошириши зарур.
- 1.4. Иш жараёнида лаборатория хонасини қаровсиз қолдириш таъқиқланади.
- 1.5. Лаборант иш вақтида ўз мансаб йўриқномасида кўрсатилган ишлардан ташқари ишлар қилиши таъқиқланади;
- 1.6. Лабораторияга бегоналарни фақатгина кафедра мудирини ёки факультет деканини рухсати ҳамда кузатувчи иштирокида киргизиши;
- 1.7. Лаборатория ва бошқа қурилмалар созлиги ва тозаллигини таъминлаши;
- 1.8. Лабораторияга ортиқча жиҳозларни олиб кириш ва уларни сақлаш таъқиқланади.
- 1.9. Лаборант 1 йилда бир марта лаборатория жиҳозларини ишлатишдаги қоида талаблари ва ёнғин ҳавфсизлиги бўйича билими шаҳодат синовидан ўтиши зарур.
- 1.10. Лаборант хизмат вазифаларини қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан олиб боради:
 - 1.10.1. университет низоми;
 - 1.10.2. университет ички меҳнат тартиб қоидалари:
 - 1.10.2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси меҳнат интизомига риоя қилишга мажбурдир. У ишчи ва хизматчиларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини онгли ва

халол тарзда бажаришларига асосланади ҳамда меҳнатни юксак унумдорлигининг зарур шартидир.

1.10.2.2. Ишчи ёки хизматчини ишга қабул қилиш ёки белгиланган тартибда уни бошқа ишга ўтказишда маъмурият:

1.10.2.3. ходимни топширилган иш шароити билан таништириш ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аёнлаштиришга;

1.10.2.4. уни ички тартиб қоидалари ва корxonанинг жамоа шартномаси билан таништириш ҳамда унинг ва мажбуриятларини аёнлаштиришга;

1.10.2.5. уни ички тартиб қоидалари ва корxonанинг жамоа шартномаси билан таништиришга мажбур;

1.10.2.6. амалдаги ички меҳнат тартиб намунавий қоидалари ишчи ва хизматчиларни ишга ўз вақтида келиш, иш вақтининг белгиланган муддатига амал қилиш.

1.10.2.7. иш вақтининг ҳаммасини меҳнат ишлаб чиқариши учун сарф этишларини талаб қилиш;

1.10.2.8. маъмурият ходимлар томонидан хавфсизлик техникаси ишлаб чиқариш озодагарчилиги, меҳнат саришталиги ва ёнғинга қарши хавфсизлик йўриқномалари талабларига риоя қилишларини доимо назорат қилиб боришга мажбурдир;

1.10.2.9. меҳнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси қоидалари талабларини бузган шахслар интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин. МК-181-модда.

1.10.3. ректор буйруқлари;

1.10.4. университет бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар;

1.10.5. ушбу йўриқномага асосан.

1.11. Лаборатория хизматини ташкил қилиш вазифаси кафедра мудири зиммасига юклатилади.

1.12. Лаборантларга махсус кийим-кечак(оқ халат химия лабораториясида ишловчиларга) берилади.

1.13. Лаборант иш вақтида кафедра мудирининг рухсатисиз иш жойини ташлаб ёки ўрнига бошқа одамни қўйиб кетиши маън этилади.

1.14. Иш пайтида спиртли ичимликлар ичмаслиги ва сархуш қиладиган моддалар истеъмол қилмаслиги керак.

1.15. Хонадаги барча моддий жиҳозларни кафедра мудирининг рухсатисиз ёки юк хатисиз чиқармаслик.

1.16. Иш вақтида йўқолган моддий бойликни ва синган жиҳозни ўз ўрнини тиклаши ёки етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплаши шарт.

1.17. Лаборант давлат мулкани кўз қорачиғидек сақлаши, техника ва ёнғин, электр хавфсизлик қоидаларига амал қилиши, санитар-гигиена талабларига риоя қилиши керак.

1.18. Лаборант ўзига берилган топшириқ ва вазифаларни виждонан ҳалол тарзда ҳамда меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонунига мувофиқ келадиган буйруқлари, фармойишлари, шартномаларини ўз вақтида аниқ бажариши керак.

1.19. Маъмурият, университет ходимлари, талабалари билан иш жараёнида мулоқот қилинадиган бошқа шахслар билан хушфеъл, юксак маънавиятда, яхши муносабатда бўлиш.

1.20. Ҳар бир инсон (ўқитувчи, ишчи, талаба) билан бирор бир бахтсиз ходиса рўй берганда уларни эҳтиёткорлик билан қутқариши, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсата олиши керак.

1.21. Ишга кираётган янги ишчи кириш ва иш жойидаги дастлабки йўриқномалардан ўтказилади. Иш жойидаги йўриқнома ҳар 3 (уч) ойда камида 1 (бир) мартаба такроран ўтказилади. Иш жойида йўриқномадан ўтмаган лаборант ишга кўйилмайди.

1.22. Лаборант қуйидагиларни бажариши ва билиши зарур:

1.22.1. ички-тартиб қоидаларини ва кафедра мудирининг кундалик топшириқларини адо этиши;

1.22.2. берилган махсус кийим-бош ва пойабзаллардан фойдаланишни;

1.22.3. иш жойини бегона шахсларга топширмаслиги;

1.22.4. хавфсизликнинг техник усуллари қоидаларига риоя этиши, иш юзасидан бажариладиган вазифаларда бино ичидаги ишчилар хавфсизлиги учун жавобгар эканлигини ёдда тутиши;

1.22.5. хавфсизлик техникасига зид бўлган фармойиш ва буйруқларни бажармаслиги;

1.22.6. бирламчи ўт ўчириш анжомларидан фойдаланишни;

1.22.7. фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қандай ҳаракат қилишни.

1.23. Лаборант университет худудида йўллар, пиёдалар йўлаги, хавфли зонани, ўт ўчириш воситалари, алоқа ва сигнализация воситалари ўрнатилган жойларни билишлари лозим.

1.24. Лаборантлар университет маъмурияти ходимларини танишлари, ички меҳнат тартиби қоидаларини, ўқув ва ТТЖ бинолари, цех, бўлим, омборхона, қозонхона ҳамда ёрдамчи бинолари жойлашишини ва ҳолатларини, транспорт воситаларини билишлари лозим.

1.25. Заҳарли ҳид чиқарувчи ишда ишловчи ишчилар учун сут маҳсулотлари билан таъминланиши зарур.

1.26. Ишдан сўнг ишчилар учун ювиниш хоналари бўлишини таъминлаш зарур.

1.27. Лаборант кийимлари покиза, ишга соғлиғи жавоб берадиган ҳолатда бўлиши керак.

II. Иш бошлашдан аввалги хавфсизлик талаблари.

2.1. Иш бошлашдан олдин лабораториядаги барча жиҳозларни ўша пайтдаги аҳволини, ишлаш тартибини албатта иш дафтари(журнал)га ёзиб қўйиши керак.

2.2. Барча хоналар, муҳрланган жойларни текшириб муҳрлари бузилмаганлигига, моддий бойликларни синмаганлиги, хона(лаборатория)даги барча жиҳозлар тўлиқ жойида ҳамда ишчи ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ишга киришиш.

2.3. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларини тартибга келтириш, уларнинг яроқлигини текшириш лозим.

2.4. Барча лаборатория анжомларини ва шу кабиларнинг ҳолатини шайлигини текширинг:

2.5. Бўлажак ишга топшириқ (наряд) ёки оғзаки буйруқ олиниши ва уни хавфсиз бажариш бўйича йўл-йўриқ беришдан ўтиш лозим. Бўлажак ишга берилган оғзаки буйруқни оператив журналга ёзиш зарур. Бунда буйруқ ким томонидан берилгани, ишнинг жойи, номи. уни бажариш муддати кўрсатилади.

2.7. Олдинги кун давомидаги яроқсизликлар, хавфсизлик техникаси бузилишларини ҳам журналдаги ёзувлардан кўриб чиқинг. Ўт ўчириш воситалари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари шайлигига ишонч ҳосил қилинг.

2.8. Токни улаш ва узиш қурилмалари, сигнализация ва автоматик бошқариш системаси соғлигига ишонч ҳосил қилинг. очиқ жойларга тўсиқлар ва хавфсизлик белгиларини ўрнатиш;

2.9. Ёритиш (қурилмалари, электр симлар тармоғи, электр шам ва лампалар бутунлигини текширинг. Жойни ёритишга шундай ростлаш керакки, иш зонаси етарли даражада ёритилган ва ёруғ кўзни олмайдиган бўлсин.

2.10. Лаборантлар иш мобайнида:

- 2.10.1. лаборантлар иш тартибини билишлари;
- 2.10.2. лаборантлар алоҳида эътиборга лойиқ объектлар ҳақида кўрсатмалар олишлари;
- 2.10.3. маъмурият раҳбарияти ва моддий жавобгар шахслар билан таништирилиши;
- 2.10.4. моддий объектлар ва қўриқланадиган объектларни қабул қилиш ва топшириш қоидаларини билишлари керак.

2.11. Лаборантларга қуйидагилар таъқиқланади:

- 2.11.1. хавфли хоналарга кириши;
- 2.11.2. тўсиқларни ва огоҳлантирувчи белгиларни олиб қўйиши ёки жойидан силжитиши;
- 2.11.3. электр ва газ жиҳозларини ўзбошимчалик билан тузатиши ёки ишлатиши;
- 2.11.4. ишга тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда иш жойларига бориши ва ишчи ҳамда талабаларни чалғитиши ва уларга ҳалақит бериши;
- 2.11.5. иш пайтида ухлаб қолиши ёки маст ҳолатда бўлиши;
- 2.11.6. таъқиқланган электр жиҳозларидан фойдаланиши;
- 2.12. Лаборатория керакли даражада ёритгичлар ва сургичлар билан таъминланган бўлиши шарт.
- 2.13. Лабораторияда сақланадиган учувчи, ёнувчи хусусиятларга эга бўлган суюқликлар махсус жойларда ва идишларда бўлиши шарт.
- 2.14. Кислотали идишларнинг қўшимча химояланувчи ғилофлари бўлиши шарт.
- 2.16. Кўтариб қўйиш учун махсус қўйиш қурилмалари, химояловчи воситалари билан яъни қўлқоп, оёқ кийимлари халатлар билан ишлаш шарт.
- 2.17. Бу кийимлар кислота таъсир қилмайдиган бўлиб, давлат кўригидан, ўтказилган бўлиши шарт.
- 2.18. **Учувчи:** газли суюқликлар ва моддалар билан сургичлар, шкафларда сақланадиган холда иш олиб борилиши шарт ва керак.
- 2.19. Ўлчов ва керакли асбоблар Давлат стандарти кўригидан ўтган бўлиши шарт.
- 2.20. Лабораториянинг барча хоналари тоза ҳаво билан таъминланган бўлиши шарт.
- 2.21. Ҳавоси бузиладиган хоналарга суриш-шамоллатиш учун қурилма (вентилятор) ўрнатилган бўлиши шарт.

2.22. Суриш-шамоллатиш учун қурилма (вентилятор) ёқишда қуйидаги амалларни бажариш зарур:

2.22.1. Электр қурималарини созлигини ва бошқа жойларни (хавфсизликни таъминлаган холда) текшириш;

2.22.2. Ҳаво алмаштирувчи қурилма иш бошланишидан 30 минут олдин ишлатиб қўйилади ва иш вақти тугагач ўчирилади.

2.23. Лабораторияда иш бошлашдан аввал ҳар бир ходим ва талаба йўриқномадан ўтиши, журналга қайд қилиниши ва имзо қўйиши шарт.

2.24. Йўриқнома олмаганларни лаборатория ишларига қўйиш қатъиян таъқиқланади.

III. Иш вақтидаги хавфсизлик талаблари.

3.1. Иш вақтида доимо махсус иш уст-бошида ва ёнида унинг кимлигини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлиши шарт;

3.2. Лаборатория хоналари техника ва ёнғин хавфсизлиги плакатлари ҳамда ўт ўчириш қуроллари (ўт ўчириш, қум ва б...) билан жиҳозланган бўлиши ва коидаларга амал қилиниши шарт.

3.3. Лаборатория хонасида озик-овқат истеъмол қилиш, сигарет чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш қатъиян ман этилади.

3.4. Қуйидаги жиҳозларни даврий равишда назорат қилиш зарур:

3.4.1. хона ҳароратини;

3.4.2. кимёвий суюқликларни жойидалигини;

3.4.3. бегона шахсларни лаборатория хонасига кирмаганлигини ва бошқаларни.

3.5. Лаборатория (кабинет) мудирига юклатилади;

3.5.1. лаборатория ёки кабинет мудирини кафедра томонидан тасдиқланган иш режаси бўйича ўзининг фаолиятини олиб боради;

3.5.2. ўзининг қарамоғида моддий бойликларнинг сақланишини таъминлайди ва уларни текширув

(инвентаризация)дан ўтказиб туради;

3.5.3. кафедра фанлари бўйича кафедра кутубхонасида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, масалалар тўплами ва маъруза матнларини олади ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

2.22. Суриш-шамоллатиш учун қурилма (вентилятор) ёқишда қуйидаги амалларни бажариш зарур:

2.22.1. Электр қурималарини созлигини ва бошқа жойларни (хавфсизликни таъминлаган холда) текшириш;

2.22.2. Ҳаво алмаштирувчи қурилма иш бошланишидан 30 минут олдин ишлатиб қўйилади ва иш вақти тугагач ўчирилади.

2.23. Лабораторияда иш бошлашдан аввал ҳар бир ходим ва талаба йўриқномадан ўтиши, журналга қайд қилиниши ва имзо қўйиши шарт.

2.24. Йўриқнома олмаганларни лаборатория ишларига қўйиш қатъиян таъқиқланади.

III. Иш вақтидаги хавфсизлик талаблари.

3.1. Иш вақтида доимо махсус иш уст-бошида ва ёнида унинг кимлигини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлиши шарт;

3.2. Лаборатория хоналари техника ва ёнғин хавфсизлиги плакатлари ҳамда ўт ўчириш қуроллари (ўт ўчириш, қум ва б...) билан жиҳозланган бўлиши ва коидаларга амал қилиниши шарт.

3.3. Лаборатория хонасида озик-овқат истеъмол қилиш, сигарет чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш қатъиян ман этилади.

3.4. Қуйидаги жиҳозларни даврий равишда назорат қилиш зарур:

3.4.1. хона ҳароратини;

3.4.2. кимёвий суюқликларни жойидалигини;

3.4.3. бегона шахсларни лаборатория хонасига кирмаганлигини ва бошқаларни.

3.5. Лаборатория (кабинет) мудирига юклатилади;

3.5.1. лаборатория ёки кабинет мудирини кафедра томонидан тасдиқланган иш режаси бўйича ўзининг фаолиятини олиб боради;

3.5.2. ўзининг қарамоғида моддий бойликларнинг сақланишини таъминлайди ва уларни текширув

(инвентаризация)дан ўтказиб туради;

3.5.3. кафедра фанлари бўйича кафедра кутубхонасида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, масалалар тўплами ва маъруза матнларини олади ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

- 3.5.4. лаборантлар ва препаратларнинг ишини ташкил қилади;
- 3.5.5. лаборатория ва кабинетларни амалий дарслар ўтиш учун тайёрлайди;
- 3.5.6. амалий дарслар ўтиш учун керакли адабиётларни, кўғазмали қуролларни, маҳсулот(товар)лар намуналарни, кимёвий идиш ва реактивларни беради;
- 3.5.7. дарсдан кейин лаборатория ва кабинетларни лаборантлардан қабул қилиб олади;
- 3.5.8. кафедра учун керакли жиҳозлар, материаллар, маҳсулот(товар)лар намуналари, кимёвий идишлар, реактивлар учун университет хўжалик бўлимига буюртмалар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;
- 3.5.9. кабинет ва лабораторияда ўрнатилган жиҳозларнинг меъёрида(нормал) ишлашини ҳамда одам соғлиги учун хавфсизлигини таъминлайди;
- 3.5.10. кафедра кабинет ва лабораторияларидаги ўқув жиҳозларини ҳамда ўқув техник воситаларини профилактикадан ва ўлчов аппаратларини текширишдан ўтказиб туради;
- 3.5.11. кафедра ишини юритиш бўйича асосий жавобгар шахс ҳисобланади:
- 3.5.12. техника хавфсизлиги коидаларига мувофиқ электр жиҳозлари ва техник-воситаларнинг қаршилигини вақти-вақти билан текшириб туришни ташкил қилади;
- 3.5.13. ўқитувчилар педагогик юкламаларининг бажарилишини ва уларнинг иш кунларини ҳисобга олиб боради;
- 3.5.14. лаборатория (кабинет) мудирини техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва санитария-гигиена коидаларини таъминлаш бўйича жавобгар шахс бўлиб, ўзининг фаолияти бўйича кафедра мажлисларида ҳисобот бериб туради.

3.6. Катта лаборант ва лаборантга юклатилади:

- 3.6.1. кафедранинг зарур материаллар ва ҳужжатлар билан таъминлайди ;
- 3.6.2. ўқитувчиларга маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда ёрдамлашади;
- 3.6.3. ходимлар, аспирантлар ва талабалар экспериментал ва ҳисоб-китоб ишларини расмийлаштиришда ёрдам беради;
- 3.6.4. кафедрадаги жиҳозларнинг бутунлиги, санитария ҳолати, техника хавфсизлиги коидаларига риоя қилинишини текшириб боради ;
- 3.6.5. кафедрада канцелария ишларини олиб боради;

3.6.6. сиртки бўлим талабаларининг назарий ишларини олиб ўқитувчиларга беради ва факультетга қайтаради;

3.6.7. лаборатория жихозлари, экспериментал қурилмалар профилактика ва таъмирланишида, уларни тайёрлаш ва монтаж қилишда иштирок этади;

3.6.8. машғулотлар пайтида қурилмалар ва жихозлар ишини таъминлайди;

3.6.9. лаборатория-амалий машғулотлар ва ИТИ(ТИТИ) учун зарур материаллар тайёрлайди;

3.6.10. кимёвий ва бошқа анализларни бажаради;

3.6.11. талабаларга ишлаш учун керак бўлган жихозлар, услубий материалларни дарсга олиб боради;

3.6.12. талабаларга тажриба-экспириментал ишлари ўтказишда ёрдам беради;

3.6.13. кафедра кабинет ва лабораторияларида жихозларни сақлаш ва яроқлилиги, техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати устидан назорат қилади;

3.6.14. услубий ва бошқа материалларни компьютарда ёзади.

3.7. Катта препарат ва препаратга юклатилади:

3.7.1. лаборатория-амалий машғулотлар учун материаллар тайёрлайди;

3.7.2. жадваллар, чизмалар, графиклар тайёрлайди ва қайта тузади;

3.7.3. ўқув жараёни учун (ИТИ, ТИТИ) ва керакли реактивлар, дистилланган сув хом ашёларни тайёрлайди;

3.7.4. талабаларга керакли асбоб-ускуналар ва услубий материаллар беради;

3.7.5. талабаларнинг ички тартиб-қоидаларига, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини кузатиб боради;

3.7.6. аудитория ва лабораторияларни машғулотлар учун тайёрлайди;

3.7.7. катта лаборант раҳбарлигида оддий кимёвий ва бошқа жараён(операция)ларни ўтказиши;

3.7.8. лаборатория-амалий машғулотлар учун зарур бўлган реактивлар, идишлар ва бошқа материалларни омборхонадан олади;

3.7.9. камзул, сочик, совун. салфетка ва х.к.ларни лаборатория машғулотлари учун таъминлайди.

3.8. Фотолаборатория бошлиғига:

3.8.1. Кафедралар ва бўлимларнинг ўқув, илмий ва молия иқтисод ишлари проректорлари томонидан тасдиқланган ҳамда ҳисобхона(бухгалтерия) билан келишилган ҳолда тузилган режа асосидаги йиллик буюртмалар ҳажмининг бажарилишини таъминлайди;

3.8.2. ректорат, ўқув ва илмий ишлар проректори тасдиқланган мавзулар бўйича фотокўргазма ва стендлар ташкил қилади;

3.8.3. фотослайдлар ва диафильмлар тайёрлайди;

3.8.4. ректорат топшириқларига кўра фотохизмат кўрсатади;

3.8.5. университет музейини безашда қатнашади ва деворий ва университет газеталари учун фотосуратлар тайёрлайди.

IV. АВАРИЯ ХОЛАТЛАРИДА ВА ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАРДА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ.

4.1. Фойдаланилаётган жиҳозлар, асбоблар, ҳимоя воситаларида носозлик сезилганда ёки авария ҳолати вужудга келгандаги мажбуриятлари:

4.1.1. Ишни тўхтатиш;

4.1.2. ишловчиларни хавф тўғрисида огоҳлантириш;

4.1.3. иш юритувчи, устани зудлик билан хабардор қилиш ва уларни кўрсатмасига асосан авария ҳолатини бартараф этиш ҳамда авария ҳолатига қарши чора кўриш мақсадида уни ўрганишга кўмаклашиш;

4.1.4. меҳнат муҳофазаси йўриқномаси ва қоидаларида айтилган хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда энг зарур бўлган носозликларни бартараф этиш;

4.1.5. одамлар бахтсиз ҳодисага дучор бўлганда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, иш юритувчи, устани зудлик билан хабардор қилиш. Одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирмаган ёки аварияга олиб келмайдиган тақдирда ҳодиса рўй берган ҳолатни сақлаб қолиш.

4.2. Ёнғин хавфсизлиги талаблари:

4.2.1. Ёнғин содир бўлганидаги чора тадбирлар ва ўт ёқувчи (оператор)ларни мажбуриятлари:

4.2.2. ёнғин ўчириш жиҳозларини ишлатиш усуллари билиши;

4.2.3. барча ёнувчан чиқиндилар даврий равишда махсус ажратилган жойларга чиқарилиши ва йиғилгандан сўнг йўқотиш;

4.2.4. чекиш фақатгина махсус ёзув бор, сув тўлдирилган идиш ўрнатилган махсус жойларда амалга оширилади;

4.2.5. қозонхона ўт ёқувчиси(оператори) кўринадиган жойда сақланадиган ёнғинни ўчириш жиҳозларини ишлатишни билиши зарур;

4.2.6. ўт ёқувчи(оператор)лар ёнғинни асосий сабабларини, олдини олиш ва йўлларини топа билишлари, ёнғин чиққан тақ-дирда эса уни ўчира олишлари лозим;

4.2.7. электр симлари ёнганда биринчи навбатда линияни токсизлантириш, бунинг учун ўчиргич(рубильник)ни босиш (ўчириш) ва бир йўла ёнғин командасини чакириш зарур;

4.2.8. кучланиш остида турган электр симни сув ёки кўпик билан ўчириш ярамайди, чунки сув электр токини яхши ўтказадиган бўлиб, электрдан жароҳатланишни келтириб чиқариши мумкин;

4.2.9. барча жойлар ёнғинга қарши сув ва бошқа бирламчи ўт ўчириш воситалари, кўргазмали плакатлар ҳамда огоҳланти-рувчи ёзувлар билан жиҳозланган, таъминланган бўлиши керак;

4.2.10. биноларни хар бир каватида қутқарув лойиха (режа)лари илинган ва ёнғин вужудга келган тақдирда инсонлар хавфсизлиги таъминланган бўлиши даркор;

4.2.11. ёнадиган чиқиндилар бинолардан **50 метр** узоқликда бўлиши керак.

4.3. Электр хавфсизлигининг умумий қоидалари ва талаблари:

4.3.1. **0.1 ампер** кучга эга бўлган электр токи одам ҳаёти учун ҳалокатли даражада хавфли ҳисобланади;

4.3.2. электрдан шикастланишларнинг олдини олиш мақсадида барча электр қурилмалари ва асбоблари ерга туташтирилган (заземление қилинган) бўлиши керак.

4.3.3. агар ишчиларни **36 вольтли** электр асбоблари билан таъминлаш имкони бўлмаса **220 вольтли** кучланишдаги электр асбобдан фойдаланишга рухсат берилади. Бундай ҳолда электр асбоб ҳимояланган ёки ерга унинг (ёпгичи) корпуси ишончли тутуштирилган (заземление қилинган), ишчилар эса электр токи ўтказмайдиган кўлқоп, калош ва гиламча билан таъминланган бўлишлари зарур.

4.3.4. Электр симли машина, механизм ва агрегатларни ишлатиш учун тегишли ўқув курсини битирган ва имтиҳон топширгани ҳақидаги гувоҳномага эга бўлган шахс ишга тушириш аппаратураси ёрдамида ёкиши ва ўчириши мумкин.

4.3.6. Вақтинчалик ихоталанган электр симлари иш жойида камида **2.5 метр** баландликда ишончли таянчга қўйилиши зарур. Ердан, полдан ва тўшмадан **2.5 метр** баландликда осма чироқ электр симлари қувур ёки қутига киритилган бўлиши керак.

4.3.7. **2.5 метрдан** кам баландликдаги осма ёриткичларда **36 вольтдан** кўп бўлмаган кучланишдан фойдаланиши, электр чироқларини электрмонтёри электр токи ўтказмайдиган қўлқопда, кўзойнакда бураб киритиши ва бураб чиқариши керак.

4.3.8. Электрмонтёр ҳимоя воситалари (электр токи ўтказмайдиган резина қўлқоп, калош, ботинка, гиламча) билан таъминланган бўлиши лозим.

4.4. Бахтсиз ходисалар рўй берганида шифокор келгунича кўрсатиладиган ёрдам:

4.4.1. ўт ёқувчи(оператор) бахтсиз ходиса рўй берганда шифокор келгунича кўрсатиладиган биринчи ёрдам беришга ўргатилган бўлиши, жабрланганни ташиш усулларини, аптечканинг туриш жойини ва унинг ичида нималар бўлиши, аптечкадаги мавжуд нарсалардан фойдалана олиши зарур;

4.4.2. шифокор келгунча биринчи ёрдам кўрсатиш воситалари солинган аптечка ҳар бир қаватдаги белгиланган ҳонада ва қоровулхонада бўлиши керак. Шифокор келгунича биринчи ёрдам кўрсатадиган ҳар бир ходим аптечкадан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак;

4.4.3. аптечкаларда дори-дармонлар умумий тўпламидан ташқари ичиладиган сода, бром ва лимон кислоталари эритмалари, камфора, қиздирилган магnezия, глаубер тузи бўлиши керак;

4.4.4. аптечкадан фақат жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиш лозим;

4.4.5. аптечкани бутлаш учун жавобгарликни таъобат пунктининг тиббий ходими ёки қорхона бўйича буйруқ билан махсус тайинланган шахс ўз зиммасига олади;

4.4.6. аптечканинг ичида ҳамма нарса бўлиши ва уни сақлаш устидан назоратни маъмурият ҳамда ходимлар ва талабалар қасаба уюшма қўмитаси амалга оширади.

4.5. Бахтсиз ходисанинг гувоҳи бўлган ёки жабрлаганни аниқлаган ходим:

4.5.1. жабрланганни жароҳат етказувчи омил таъсиридан бўшатиб олиш чораларини кўриш;

4.5.2. жабрланганни таъобат пунктига етказиш, етказиш мумкин бўлмаганида таъобат пункти ходимини ходиса рўй берган жойга чақириш;

4.5.3. таъобат пункти йўқ бўлган жойда дарҳол "тез ёрдам"ни чақириши;

4.5.4. жабрланган ҳақида бахтсиз ходиса рўй берган бино бошқарувчиси ёки университет раҳбарига хабар бериши лозим.

4.6. Биринчи ёрдам: олинган жароҳат (захарланиш) турига боғлиқ ҳолда кўрсатилиши керак.

4.7. Авария холатларида хавфсизлик талаблари:

4.7.1. бирор иссиқ ва совуқ сув трубалари ёрилиб ёки сув жўмраклари беркилмай сув тошаётган бўлса;

4.7.2. электр жиҳозларида носозликлари туфайли қисқа туташув ёки носозликлар содир бўлганда;

4.7.3. қозонхонада газ ҳиди сезилганда;

4.7.4. ишчилар ўртасида кўнгилсиз ходисалар содир бўлса;

ёки қуйидаги ташкилотларга кўнғирок қилиши зарур:

4.7.5. 101-ёнгин хавфсизлик хизмати;

4.7.6. 102-милиция;

4.7.7. 103-тез тиббий ёрдам;

4.7.8. 104-газ;

4.7.9. 1050-қутқарув хизмати.

V. Иш тугагандан сўнг хавфсизлик талаблари.

5.1. Ишчи мажбур:

5.1.1. лаборатория ишларидан кейин қўлга махсус қўлқоп кийиб идиш ва раковиналарни ювади ва иш жойларини тозалайди.

5.1.2. иш жойини тартибга келтириш (жихозлар ва асбобларни чанглардан тозапаш, чиқиндиларни алоҳида жойларга чиқариш, асбобларни ўз жойига жойлаштириш);

5.1.3. лаборатория хонаси чироқларини ўчириш;

5.1.4. махсус кийим бош ва бошқа ҳимоя воситаларини махсус шкафага жойлаштириш;

5.1.5. **Лаборатория ишлари тугагандан сўнг юз-қўлларни илиқ сувда совунлаб ювиш, зарурияти туғилса чўмилиш(душ қабул қилиш).**

5.1.6. иш пайтида аниқланган барча камчиликларни кафедра мудирига айтиб, нуқсонлар баргараф қилиниши;

5.1.7. иш жараёнида бўлган воқеалар тўғрисида журналга қайднома ёзилади (ушбу журналда сана, ой, йил, шахс исми, фамилияси ва имзо акс этиши шарт).

VI. ЖАВОБГАРЛИК.

6.1. Кабинет мудирлари, катта лаборант ва лаборантлар лаборатория жихозларини соз холда сақлашга ва ушбу йўриқнома талабларини бажаришга жавобгар хизобланади.

6.2. Барча даражадаги раҳбарларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қоидалар ва меъёр (норма)ларга зид бўлган ишларни амалга ошириш тўғрисидаги кўрсатмалар бериш таъқиқланади.

6.3. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъерий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорат идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналарнинг бошқа ходимлари меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъерий ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар (Ўз.Рес. ММҚ тўғрисидаги қонуннинг 36-моддаси)

6.4. Маъсул шахс юқоридаги йўриқнома билан иш бошлашдан аввал ҳар бир ходимни таништириши ва № 2 иш жойида қайд қилиш журналига имзо қўйдириши шарт.

6.5. Маъсул: Кафедра ва кабинет мудирлари

Эслатма: Иш бошланишидан олдин, иш вақтида ва иш тугатилгандан кейинги хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ишлаб чиқариш, ўқув ва амалиёт билан боғлиқ жароҳатларни олдини олишнинг зарур шарти эканлигини унутмаслик керак !!!

Лаборатория ишларини бажаришда ўрганилмаган моддалардан фойдаланганлиги сабабли шикастланиш, юқори даражада хавф ёки захарланиш содир бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар куни хавфсизлик, санитария талаб ва қоидаларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

(ММҚ ОЎМТВ ОЎЮлари қўлланма-2003 йил-Тошкент-90-бет).

Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 07.01.2000 йилда рўйхатга олинган 870-сонли

«Меҳнат муҳофазаси йўриқномаларини ишлаб чиқариш тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Меҳнат муҳофазаси муҳандиси



М.Ибрагимов